FARG‘ONA VILOYATI O‘ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2022 - yil 6 - iyul 249-11-161-Q/22 O‘zbekiston tuman hokimligi

Ўзбекистон тумани Яйпан шахар Зиёкор кўчаси туман ҳокимлигининг маъмурий биноси худудидан ўтувчи 4К-923 “Яйпан-Ропқон-Бешариқ-Чилмахрам” автомобиль йўлининг ПК 0+5-0+7 қисми чап ва ўнг томонларига “Тўхташ таъқиқланган” 3.27 тақиқловчи йўл белгиси ўрнатишга рухсат бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)*нинг 5, 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2020 й., 09/20/796/1639-сон)*га мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 02.03.2022 йил куни 150-сон билан рўйҳатдан ўтган ёзишмасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон*)нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 2022 йил 02 мартъ куни 150-сон билан рўйҳатдан ўтган ёзишмаси инобатга олинсин;

2. Ўзбекистон тумани Яйпан шахар Зиёкор кўчаси туман ҳокимлигининг маъмурий биноси худудидан ўтувчи 4К-923 “Яйпан-Ропқон-Бешариқ-Чилмахрам” автомобиль йўлининг ПК 0+5-0+7 қисми чап ва ўнг томонларига “Тўхташ таъқиқланган” 3.27 тақиқловчи йўл белгиси ўрнатишга рухсат этилсин;

3. Ўзбекистон туман “Йўллардан фойдаланиш” УК директори О.Джураевга:
4К-923 “Яйпан-Ропқон-Бешариқ-Чилмахрам” автомобиль йўлининг ПК 0+5-0+7 қисми чап ва ўнг томонларига “Тўхташ таъқиқланган” 3.27 тақиқловчи йўл белгиси ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;

4. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ахборот хизмати рахбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш. Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Юлдашев**